

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

387 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва қарорларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида

Республика прокуратураси органларининг ташкилий-штат тузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг янгиланган ташкилий-штат тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг янгиланган ташкилий-штат тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг ва Ҳарбий прокуратура маҳкамасининг янгиланган ташкилий-штат тузилмалари 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Прокуратура органлари бошқарув ходимларининг умумий сони 3 937 нафар (ҳарбий прокуратурадан ташқари), шу жумладан Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошқарув ходимларининг умумий сони 1 076 нафар этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига, зарур ҳолларда, прокуратура органлари, шу жумладан ҳарбий прокуратура ва Департаментнинг ташкилий-штат тузилмаларига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратураси ва Мудофаа вазирлиги икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва Ҳарбий прокуратурасининг ҳаражатлар сметаси ҳамда штатлар жадвалига мазкур Фармон қоидаларига мувофиқ ўзгартиришлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва қарорларига 5-иловага** мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда:

* 3-4-иловалар берилмайди.

** 5-илова рус тилидаги матнда берилган.

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармон қоидаларига мувофиқлаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.


6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.А. Коканбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 8 август,
ПФ-4815-сон


Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ



Прокурор-тергов ходимларининг жами штат бирлиги — 222.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2016 йил 8 августдаги
ПФ-4815-сонли Фармониغا
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ



Марказий маҳкама	94 штат бирлиги
Департамент бўйича жами	1 044 штат бирлиги